



«Галла — 2002»



Бу ерда иш кеча-кундуз тўхтамайди. — Барча хўжаликларда аҳвол шундай, — қўшимча қилади туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлигининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Абдураҳмон Муҳаммадиев. — Бу йил мавсумга жиддий тайёргарлик кўрганмиз. — Ҳамма хўжа-

тракция шартномаси тузишга, — дейди «Қашқадарёдон маҳсулотлари» ишлаб чиқариш акционерлик уюшмаси бошқаруvinинг раиси Номоз Рашидов. — Шунинг учун 15 та дон қабул қилиш корхонаси, 16 та вақтинчалик дон қабул қилиш маскани мавсумга барвақт шайлаб қўйилди. Сигими 304400 тонналик элеватор ва омборлар ҳам таъмирдан чиқарилди. Айниқса, уруғлик гал-

ҳамма иш ҳуқуқатимиз қарори талабларига мувофиқ олиб берилаётган. Маълум бўлишича, галлани тушириш, тозалаш ва юклаш учун 233 та кўчма транспортёр, 64 та автотуширигич ва 36 та дон тазалаш машинасидан унумли фойдаланилмоқда. 51 та автомат тарози ҳам ишлатилмоқда. Ҳатто «Яккабодон маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамиятида кўчма дон тазалаш машинаси ихтиро

нинг эвазига кунига қарийб 19000 тонна дон омборга, қабул пунктлари-га киритилмоқда. Шу боис барча дон қабул қилиш корхоналари ва вақтинчалик дон қабул қилиш пунктларида иш кечаю кундуз тўхтамайпти. Ишловчиларга уч маҳал иссиқ овқат тайёрлаб берилаётган.

Энг муҳими, товар дон ва уруғлик галла топширган ширкат ва фермер хўжаликлари тўловларни ўз вақтида олмақдалар. Бу галларга ишонмаслик мумкин эмас. Касби, Қариши, Нишон, Чироқчи, Яккабод туманларида бўлганимизда, бунга тўла ишонч ҳосил қилдик.

Далала ҳосил бўлса, уни ўз вақтида ўриб-йиғиб олиб, тозалаб, қуритиб, меъёрига етказиб топширмаган одамга нима дейиш мумкин? Бу йил галла мўл бўлди. Шундан димоғи чоғ бўлган одамлар ишлаб чарчашмаяпти. Кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаётган. Бу бежиз эмас. Шунга яраша ҳақини олишяпти. Асосийси, шартномада кўрсатилганидан ортиқча галлага ўзлари эга бўлишяпти. Шундай бўлгач, далалаги дон омборга кирди-да!

Бу гапни далала чанг-тупроққа ботиб, офтобда қорайган галлакорлар, каттаю кичик раҳбарлар айтишди. Буни мен ҳам ўз кўзим билан кўрдим. Ва шунга иқдор бўлдимки, шартнома амалда ишласа, ҳамма иш жойида бўлади. Қашқадарёда шундай бўлаётган.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Очиқ эшиклар кўни»

Самарқанддаги турли соҳаларга ихтисослашган «Очиқ эшиклар кўни» ўтказилаётган. Айниқса, Каттақўрғон туманидаги педагогика коллежидagi ушбу тадбир эсда қоларди бўлди. «Очиқ эшиклар кўни» да 20 дан зиёд мактабдан келган ўқувчилар иштирок этиб, бу ердаги таълим жараёни билан танишдилар. Шунингдек, Самарқанд иқтисодий коллежидa ҳам шундай тадбир ўтказилди.

Кўрик-Танлов

Андижон вилояти ўлкашунослик музейида вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси ва унинг шахар бўлимаси, «Экосан» халқаро жамғармаси ҳамда халқ таълими ходимлари ҳамкорлигида «Биз табиати сева-миз» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Танловда иштирок этган жамоалар мамлакатимизнинг бой табиати ҳақида атрофича фикр юритдилар. Ҳакамлар ҳайъатининг қарори-га кўра, голиблар танлов ташкилотчилари ва ҳомийларнинг эс-далик соҳаблари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН Тележурналистларнинг байрамолди совғаси

Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси ижодий жамоаси кўрсатувлар ва эшиттиришларнинг гоёвий-сиёсий жиҳатдан мазмундорлигини оширишга жиддий эътибор қаратаяпти. Касб байрами арафасида вилоят ҳокимининг телерадиокомпания Германиянинг «Siemens» фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий видео ва аудио ускуналари билан жиҳозлаш тўғрисида қарор қабул қилиниш тележурналистлар ва мухлислар учун ажойиб совға бўлди.

Қарорга асосан, вилоят молия бошқармаси дастлабки қайта жиҳозлаш ишлари учун маҳаллий бюджетдан 10 миллион сўм маблағ ажратди. Беш қаватли замонавий бино телерадиокомпания тасарруфига ўтказилди. Уни таъмирлаш, жиҳозлаш мақсадида қурилиш штабнинг ташкил этилгани ҳам диққатга моликдир.

Компанияни қайта жиҳозлаш, кўрсатувлар савиясини яхшилашга қаратилган бундай гамхўрлик ижодий имкониятларимизни кенгайтириш, янгиликлар, ташаббуслар, илмий тажрибаларни кенг ёритишда шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади, — дейди вилоят телерадиокомпанияси раиси Амрилла Аҳмедов.

Э. БОЛИВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Сизга омад тилаймиз, битирувчилар!

Яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабининг Сирғали тумани мажмуида навбатдаги битирувчи-мутахассислар амалиётга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда республика ИИВ раҳбарлари, фахрийлари ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари ва бошқа меҳмонлар иштирок этишди.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов битирувчиларини самимий табриқлаб, ватанпарварлик руҳидaги шеърлардан ўқиб берди. Энг асосийси, шу кун 75 нафар ёш йилги мутахассислик дипломи ҳамда офицерлик унвонига эга бўлиб, олган билим ва қўникмаларини амалиётга татбиқ этиш учун ички ишлар идораларининг ёнгин хавфсизлиги бўлим ва бўлинималарига йўл олди.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Табиат ҳимоячилари ўқувчи

Пойтахтимиздаги «Сувгео» илмий-тадқиқот институтида республика Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг малакасини оширишга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари табиати муҳофазаси қилиш борасида ҳуқуқатимиз томонидан қабул қилинган қонулар билан яқиндан танишдилар. Жумладан, «Чинқиллар тўғрисида»ги, «Алоҳида муҳофазаси қилинадиган табиий ҳудудлар ҳақида»ги қонулар тажрибали мутахассислар томонидан атрофича шарҳланди.

Халқ ижоди — қайнарбулоқ

Ўзбек халқ оғзаки ижоди бамисоли қайнарбулоққа ўхшайди. Бунга Китоб туманида бўлиб ўтган фольклор-этнографик маком ижрочиларининг VI республика танловини мисолида ҳам кўрсатилган. Уларнинг, ларларнинг тинглаганда, улардан янги бир ҳислат топасиз. Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари республика илмий-услубий маркази, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, «Олтин мерос» ва бошқа бир қатор жамғармалар, вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан ўтказилаётган ушбу анжуманда мамлакатимизнинг турли бурчақларидан келган бахшлар, оқинлар, турли жамоалар иштирок этишяпти.

«Туркистон-пресс».

...ОМБОРДАГИСИ НАҚД

Касби туманидаги Сайидо Насафий номли ширкат хўжалиги омборига кирверишда дон сифатининг таҳлилини олиш учун махсус жой бўлиб, лабораториянинг ўзи эса дарвозанинг шундоққина ўнг тарафида жойлашган. Омбор сатҳи теп-текис, бетон ётқизилган. Ҳар жой-ҳар жойдаги галла уюми тўғрисидаги тахта ёрликларга «Чиллаки», «Хонақоҳ», «Сангзор», «Красота», «Уманка», «Кулава» каби ёзувлар битилган.

— Далалан келтирилган ҳосил навига қараб, ана шу хирмонларга тўкилади, — изоҳ беради бошқарув раиси Мамадилла Рашидов. — Сунгра тозаланиб, пешма-пеш қабул пунктларига жўнатилди.

ликлар — донни «Шаккаржуй» галла қабул қилиш пунктига топширишадими? — сўрайман ундан.

— Йўқ, — дейди у бунга жавобан. — Бу йил галланинг мўллигини ҳисобга олиб, «Фазли» пахта қабул қилиш пункти ҳам дон қабул қилишга мослаштирилди. Ҳозир у ерга «Пахтакор», «Наврўз», «Қашқадарё», Ҳамза Хўжақулов номли хўжаликлар дон топширишяпти. Шунинг учун галла топшириш, қабул қилишда муаммо йўқ.

— Бу йил мавжуд корхоналаримиз хўжаликлар ва фермерлардан 342800 тонна галла, шу жумладан, 318600 тонна товар дон, 24200 тонна уруғлик сотиб олиш бўйича кон-

лани қабул қилиш ва сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун 24600 тонна сигимга эга омбор тайёрланган. Вақтинчалик дон қабул қилиш масканлари ҳам барча талабларга жавоб беради. Чунки уларда 339700 тонна галла қабул қилиб олинади.

Шу нарса диққатимизни тортиқди, хўжаликлар омборларида ҳам, галла қабул қилиш корхоналарида ҳам — ҳамма жойда дон сифати жиддий назоратдан ўтказилмоқда.

— Шу мақсадда, — дейди Номоз Рашидов, — 31 та лаборатория ташкил этганмиз. Хўжаликлардан дастлаб тозаланиб қурилган, стандарт талабига тўғри келадиган галла қабул қилинмоқда. Бунда

қилинибди. Жамият директори Ф.Қурбонов, бош муҳандис М.Турсунов ва механик А.Қурбоновнинг бу ихтироси нафақат уларнинг ўзларига, балки хўжаликларга ҳам қўл келаятган экан.


Аммо вилоятнинг ҳамма жойида ҳам донни ташиш, тозалаш ва қабул қилиш жараёни бир маромда бораётган, деб бўлмайди.

— Тўғри, — тан олади Номоз Рашидов. — Бошида бироз шошиб қолдик. Бироқ мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун дарҳол тегишли чора-тадбирларни кўрдик. Ахир Қашқадарё тарихида илгари далала бундай мўл ҳосил битмаган. Бир гектар ердан юз центнерлаб галла олишнинг ўзи бўладими? Шу-

ДЕҲҚОНЛАРГА МАДАДКОР

«Кўқонмотортаъмирлаш» ҳиссасдорлик жамиятининг жамоаси ҳақида гап кетгудек бўлса, «Уларми? Деҳқонларнинг мададкориди!» дейишади. Бу гапда муболага йўқ. Чиндан ҳам ушбу корхонанинг ишчи-хизматчилари машина-трактор парклари, ширкат ва фермер хўжаликларининг буюртмаси асосида қишлоқ хўжалик техникалари, ҳайдов тракторларининг дегазиларини сифатли қилиб созилаётган. Айни чоғда улар машина-механизмлар учун маҳаллий хомашдан 5 турдаги эҳтиёт қисмларни ҳам ишлаб чиқаришяпти. Бу юмушларни бажаришда чилангар Умаржон Юнусов (суратда) ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



Ихтиро

Фойдали ҚУРИЛМА

Кўпчиликка аёнки, бугунги кунда корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш барча мамлакатлар олдида турган муҳим масала бўлиб қолмоқда. Маҳсулот сифатини бошқариш қуролларидан энг самарадори — бу маҳсулотни сертификатлашдир.

«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида»ги Қонунга биноан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кўпгина маҳсулотлар, шу жумладан, махсус кийимлар ва муҳофазаси воситаларини тайёрлаш учун мўлжалланган тўқимачилик материаллари мажбурий сертификатлашдан ўттиши белгиланган. Материалларнинг сертификатлаш синовида аниқланадиган параметрлардан бири уларнинг йиғинди иссиқлик қаршилигидир. Ушбу синовларни ўтказиш учун қўлланиб келинаётган ўлчов асоси — ПТС-225-нинг аниқлиги етарли даражада эмас. Бундай ўлчов асослари эса республика-мида йўқ ҳисоби. Ваҳоланки, метрологик хизматлари ва сертификатлаш марказларининг синов лабораторияларида мажбур қурилмаларга эҳтиёж катта. «Қимирлаган қир ошар, излаган имкон топар» деганларидек, илмий тадқиқотчи Рустам Жабборовнинг бир неча йиллик тинимсиз меҳнати самара берди. Шу муаммолар ижобий ҳал бўлди. Тадқиқотчи тўқимачилик материалларининг иссиқ қаршилигини ўлчашга мослаштирилган қурилмани яратиб, соҳа мутахассислари эҳтиёжини қондириди. Р.Жабборовнинг сай-ҳаракати ёрдамида бундай

қурилмаларни чет элдан сотиб олиш ва қўшимча сарф-харажатга чек қўйиш билан бирга, маҳсулот сифатини янада яхшилашга эришилди. Ихтирочининг илмий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор, Россия Метрология академияси ва Украина Технология академиясининг академиги, техника фанлари доктори, ТошДТУ «Метрология ва ўлчаш техникаси» кафедрасининг профессори Ортиққали Ҳакимовнинг таъкидлашича, ушбу ноёб қурилма ўзининг бошқа хусусиятлари билан ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортган экан. Ҳамма шундан эътиборан, уларча таъкидлашга, жумладан, «Удавстандарт», «Шахсий муҳофазаси воситаларини сертификация қилиш бўйича илмий-техника маркази» ва Ўзбекистон Республикаси ва Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлигининг Меҳнатни нормалаш ва муҳофазаси қилиш марказларига фойдаланиш учун берилган. Бу ўлчаш асослари «Удавстандарт» томонидан метрологик аттестацияланган ва уларга дастлабки патент ҳам олинган.

Боҳодир ФАЙЗИЕВ.

Бировнинг ПУЛига тегиб бўладими? ПУЛига-я!.. ФЕЛЬЕТОН

Савил қолгур пулда қандайдир мўъжиза борди. Уни кўрган, қўлига олган одам беварқ бўлмайди. Ҳеч бўлмаса бир пост ушлаб тургиси келадди. Худо кўрсатмасин-у, мабодо йўқотиб қўйсизми борми?.. Ҳа, кўнлар даром бўлсин-а. Ҳўлсизланиб қолсанг. Йўқ, касал бўласиз. Ҳўрнинг қарра қоплангани билан йўқолган бир ўрм эсдан чиқмайди. «У йўқолганида эди...» деган ўй мияни кемирверади, кемирверади.

Йўлданми, чўлданми минг сўмлигидан бир ўрама топиб олинсан-чи? Унинг гашти бошқа. Завқи бўлакча.

Яна бир томони, банка маблагингиз бор. Шу ҳолат сизни хотиржам этади. Кўннингиз четида пулим бор-ку, зарурдан нарсаларини хоҳлаганимда олавераман, деган ишонч ётади. Жиззах вилоятидаги Арнаош туманида фаолият юритаётган «Довулбой ота» фермер хўжалиги бошлиғи ҳам шу ишонч билан ўтган йили ўз ҳисоб рақами очилган «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлимига борди. Борди-ю, соғумқа хабарини эшитиб, музлаб кетди. Чунки фермер хўжалигини тегишли бўлган 277 минг 466 сўм маблағ ҳеч қандай сўровсиз, розиликсыз бошқа ташкилотга ўтказиб юборилган.

ликдан сўнг ҳам парволарига келмай, ҳарқандай 15 минг сўм пулни ҳеч қандай асоссиз банк ўз акцияси учун ҳам ушлаб қолди. Аслида бу ҳолатни амалга ошириш учун катта юрак керак эди. Демак, банкирларда у бор экан-да. Қўрқмагани, чўнмагани маъна-ю, қонуни ҳам бемисандлик қилишигандан киши ҳайрон қолади. Э, устозинг-а... — Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 39-моддасига биноан, банклар маблағларининг мақданини, омонатчилар ва мижозлар олдига мажбуриятларининг бажарилиши учун жа-вобардир, — дейди Алдия ва-зирлигининг хўжалик юри-туви субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш бошқармаси етакчи масъулияти Ахтам Муҳаммадиев. — Арнаош тумани «Тадбиркорбанк» бўлими томонидан амалдаги қонулар таъбида даражасида банк хизмати кўрсатилмаганини оқибатда унинг айби билан бошқа хўжаликка асоссиз ра-вишда ўтказиб юборилган маблагининг элдик физия микдорини пеня ҳамда маб-лагларни акцияси ҳисобидан

чиқарганлик учун жарима, ушбу ҳолатлар оқибатида фермерга етказилган бошқа зарарлар суд қарори билан ундириб берилди. Бу бошқа гап, демокчи эдинг-у, тилимизни тийдик. Негаки, тадбиркорларга ма-далкор бўлиш лозимлиги ҳолда уларнинг оёғига қон-қон ташлашга бот-бот ури-наётган банкирлар экин ўзини йиғиштириб олади, дегани эсда бор. Бундай дейи-шимиз сабаби — мажбур иншо вилоят хўжалик судида қўри-ниладан олинган мажбур банк вакилларига хабар қилинган эди. Аммо, не ҳолик, суд мажлисида жамоат томонидан ҳеч ким иштирок этма-ган. Хатто давлага нисбатан у ёки бу қўринишда жа-воб хати ҳам юборилмаган. Бундан чиқадиган ҳулоса нима? Банк ўз мижозлари нари турсин, судга нисбатан ҳам ҳўрмасизлик қилган. Суд эса бунинг эътифори этгани ҳолда негидир кечирган. Маълумки, банкларнинг кўмаги, кредитлиши, йўл-йўриқ кўрсатиши орқали кўпгина тадбиркорлар, фер-мерлар қаддини ростлаб, иқтисодийнинг тиклаб олди. Хусусий бизнес ривож топ-ди. Лекин юқорида таъкид-ланганидек, айрим банклар ўз мижозлари маблагига эгаллик қилаётганига нима дейсан? Ахир уларга ҳеч ким бундай ваколатини бермаган-ку? Бир туманини ҳадеб қоралаш ноқулай, лекин айтмасди бўлмайди. Арнаошдаги «Пах-табанк»да бўлаётган фир-ромлик ҳам юқоридагидан қол-қолмайди. Банкнинг Ю. Фучик бўлими томонидан «Маҳкам» фермер хўжа-лиги ҳисоб рақамидagi пул-лар фермер хўжалиғи рози-лигисиз инқонуний молия-лаштирилди. Яъни ўтган йил давомида фермернинг 228 минг 655 сўм маблаг 128 минг 030 сўмининг яна бошқа ёққа ўтказиб юборилди. Шу та-риқа фермернинг мисқолаб топган 612 минг 685 сўмига «хотамтой»-лик қилди. Олмоқнинг бермоғи бор, дейдилар. Ҳаққи рост экан. «Пахтабанк»нинг Ю. Фучик бўлими ўзбошимчиликдан анча дакии еди. Устига устак, юқоридаги маблагга қўшиб 306 минг 171 сўм пеня ҳам тулади. «Фаллабанк»нинг Жиззах вилояти бўлими эса ҳамкас-бларидан хилла бошқароқ қалтисликка қўл уради. «Конгли» фермер хўжалиғига ердан берил ўрнига уларнинг

Норгул АБДУРАИМОВА, Қурбон ЭШМАТОВ.



Спорт — миллат гурури



МОСКВАДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

МДХ, Болтибўйи ва Россия Федерацияси минтақалари вакиллари Халқаро ўсмирлар ўйинларида иштирок этган 126 нафардан иборат Ўзбекистон спорт делегацияси кеча тонг саҳарда Ватанимизга қайтиб келди

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ: Биринчи марта ташкил этилган ва шу йилнинг 14-24 июль кунлари Москва шаҳрида ўтказилган мазкур ўйинларда 17 та спорт тури бўйича беллашди. Мусобақаларнинг "Лужники" катта спорт аренасида бўлиб ўтган ташкилотчи оғилчи маросимида Россия Федерацияси Президентининг Владимир Путин, Москва шаҳри мэри Юрий Лужков ва Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге қатнашди. Республикаси ўсмирлари 10 та спорт тури (юнон-рум кураши, самбо, спорт гимнастикаси, енгил атлетика, сузиш, бадий гимнастика, теннис, стол теннис, қўлбоғлиқ, шахмат) бўйича баҳсларда қатнашди. Ва 1 та олим, 1 та кумуш ҳамда 1 та бронза медалини қўлга киритди. Қўлбоғлиқ Катта саройида бўлиб ўтган ташкилотчи ёпиши маросими Россия эстрада юлдузла-

рининг концерти билан якунланди. — Энди Тойлоқ спорт мактабини мусобақа иштирокчилари анчагача эслаб юришлари, шубҳасиз, — дейди самбо кураши бўйича Самарқанд вилояти бош мураббийи Уткир Аҳмедов. — Чунки айнан шу мактабда ўқийдиган Озод Пардаев 40 килограмм вазни тоифасида ҳеч кимга имконий қолдирмай, биринчи ўринни эгаллади. Шу мактабнинг ана бир тарбияланувчиси Камол Аҳмедов (51 кг.) эса унчи ўринни банд қилди. Мураббийнинг ёнида жилмайиб турган чемпионнинг ҳаяжонли гапларига қўлоқ тутамиз. — Москвага кетишимиз олдидан бўлиб ўтган кузатиш маросимида ҳаммамнинг олдида чемпион бўлганим, деб сўз бердим. Ваъданинг устидан чиқиб учун бор кучимни сарфладим. Халқаро му-

собақаларида биринчи медалим олтин бўлганидан ҳурсандим. Мени самбога ўргатган устозим Ботир ака Ҳакимовга раҳмат айтаётқиман. Қуйидаги дил изҳори эса Камолнинг онаси Мунира Зокировага тегишли. — Биз Шаҳрисабзда турамиз. Ҳагим самбога қизиқгани учун Тойлоқдаги спорт мактабига ўқийди. Ноҳид Мирзаев ва Холбой Облоқов каби мураббийлар қўлида шуғулланди. Мана, ҳаракатлари эса кетмади. Юртимизга медал билан қайтиб келди. Яна учта ўғлим ва битта қизим бор. Улар ҳам спортчи. Болаларимизга шундай шароит яратиб бераётганларга раҳмат. Ўзбек кураши бўйича ўтказилган нафузли беллашувда хориж вакиллари ўзбекистонда — ушбу спорт ватанида зафар қўчиши ҳақиқатда катта ғалаба бўлса, самбочиларимизнинг Россиядаги муваффақиятини айнан




шу даражада тенглаштириш ўринлидир. Мамлакатимизда енгил атлетика бўйича ҳам иқтидорли спортчилар етишиб чиқётганини ташкилдош жон. Светлана Радзивилнинг ба-

ландликка сакраш баҳсларида кумуш медал соҳибига бўлгани фикримиз далилидир. Республикада уч босқичли олимпиада спорт тури — "Умид нуҳолари" "Барқамол авлод" ва "Универсиада"нинг илк самарасини Москвадаги мусобақаларда кўрдик, — дейди Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов. — Бундан ташқари, ушбу тизимга қизиқиш жуда кучли эканлигини ташкилдош келди. Менинг қўллаб-қўллабларим, Олимпия қўмиталари президентлари Ўзбекистонда кечяётган мазкур жараён ҳақида сўзлаб беришимни сўрагани шундан далоят. Бизни жуда яхши қўтиб олишди. Шунданми, спортчиларимиз ўларнинг эркин ҳис қилишди. Қўллаб маданий тадбирларда иштирок этдик. Делегациямиз аъзолари «Измайлово» туристик мажмуасида яшашди. Эсингизда бўлса, 1980 йилги ўйинларнинг Олимпия шаҳарлари айнан мана шу ерда ташкил қилинган. Шунинг ўзидек ёш спортчиларимизга Олимпияда тафтини ҳис қилиб яшашга, курашишга ундади, деб ўйлайман. Делегациялар раҳбарларининг урашувида кейинги мусобақани Киев шаҳрида ўтказишга келишиб олдик. Шунингдек, Халқаро ўсмирлар ўйинларининг мувофиқлаштируви Кенгашини тузиш ҳам режалаштирилди. Ўтказилган мусобақа ва унда вакиллариимизнинг иштироки моҳият ҳақидадан ҳамда муҳим. Биринчидан, спортчиларнинг тажрибаси ошиб боради, иккинчидан, улар ёшлардан ҳар бир ғалаба Ватан шаъни, миллат гурури билан боғлиқ эканлигини ҳис қилиб ўтайишади. Озод РАЖАБОВ, НҲҲМОНОВ МУҲАММАДЖОНОВ ва Муҳаммад АМИН олган суратлар.

ДИҚҚАТ! «Халқ сўзи» халқ билан ҳамнафас

27 июль — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини. Бу байрамни пойтахт журналистлари Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказишади.



Боғнинг асосий дарвозасидан кирганингиздан кейин 50 метр ичкарида, «Қувноқ баландликлар» аттракционининг ёнида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳриратининг муваққат ваколатхонаси сизни қўтиб олади. Уша кун эрталаб соат 9.00 дан 12.00 гача таҳрират вакиллари газета ишини янада такомиллаштириш, халқ ҳаётига ҳамнафас бўлиш юзасидан амалий тақлифларини, фикр-мулоҳазаларини бажонидил тинглашади. Ёнг эътиборли фикрлар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» саҳифаларида чоп этилади. Биз сизларни интизорлик билан кутамиз! «Халқ сўзи» ва «Народное слово» таҳрир хайъати.

«ТЕАТР»НИНГ ЯНГИ СОНИ



«Театр» журналининг янги сони тандирдан узилган ном янгилик муҳлислар қўлига етиб борди. Журналининг илк саҳифасида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган. Утайтган йилимизнинг «Кариалари кадрлаш йили» деб номланиши, кексаларимизга эътибор, ҳурмат «Театр» журналининг ҳам четлаб ўтмаган. «Кадрият» рункида М. Йўлдошева, Ф. Раҳматова, Т. Хонтураев, Т. Алимов каби устоз санъаткорлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги Ф. Файзиёвнинг «Ўзбекистоннинг суоқ сиймоси», М. Темур кизининг «Бахт дегани шу эмасмикин?», С. Азизовнинг «Соғра сехр битган инсон», Р. Ориповнинг «Ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам мунис она» номли туркум мақолалари фикримизнинг ёрқин далилидир. «Едномо» рункидан эса ўзбек миллий драматургияси ва театр санъати ривожига ўзларининг салмоқли хиссасини қўшган фидойи инсонлар ҳаёт йўли ҳақида хикоя қилувчи О. Шарафиддиновнинг «У драмага ҳам мижир эди...», А. Бухўжаевнинг «Санъат унинг борлиги эди», Ж. Махмуднинг «Зар кадри йўқолмас» мақолалари ўрин олган. Тадқиқотчи М. Шарипова ўзининг Ўзбекистонда театр санъатининг шаклланиши, азиям Тошкент шаҳрида илк бора намоиш этилган саҳна томошалари ҳақида сўзловчи «Театр маърифат ва ҳурият чашмаси» номли илмий тадқиқот орқали муҳлисларга театр тарихидан қизиқарли маълумотлар берган. Журналда вилоятларда яшаб иқом этяётган санъаткорлар, улар ижоди билан боғлиқ театрлар фаолиятига ҳам катта ўрин берилган. Ушбу сондан бошлаб, томошабинлар тақлифига биноан, «Спектакль сизга ёқадими?» деб номланган янги рунк очилди. Унда поётахимиз театрларида намоиш этиб келинётган спектакллар борасида томошабинларнинг фикр-мулоҳазалари баён этилган. «Хориж драматургияси» рункидаги «Арфосани ёки ҳақиқат?» мақоласида эса Гёттенинг «Фауст» фоҳиасининг яратилишига замин бўлган асрлар ҳақида хикоя қилинади. Н. Болтаёвнинг «Турна патлари» спектакли тўғрисидаги фикрлари орқали И. Охунбоев номидаги ёш томошабинлар театрининг япон драматургиясига мурожаат этиб, ўзбек саҳнаси яна бир янги, мазмундор спектакль билан бойганининг гувоҳи бўласиз. М. ХОЛМАТОВА.

ИСТИҚЛОЛГА БАХШИДА УМР

Пўлат Солиев — Ўзбекистон илм-фанининг таниқли арбоби, Ватанимиз ва умуман, Урта Осиёда янги тарих-шунослик илмий мактабининг асосчиси бўлиб, Қўлбоғлиқ Астара шаҳрида, мангит уруғига мансуб ўзбек оиласида туғилган, шу боисдан расмий ва илмий ҳужжатларда гоҳ Пўлат, Бекулат, кейинчалик Пўлат исмларини олган, Қозон шаҳрида, Уфалда мадраса таълимини кўрган, араб, форс, турк, рус, кейинчалик француз ва немис тилларини ўрганган, 1909 йилда Ўзбекистонга келиб, 20—30 йилларда Туронзамин тарихи тадқиқотчилиги соҳасида улкан ва самарали фаолият олиб борган Иброҳим Муминов, Яхё Фуломов, Рашид Набиев каби олимларга устозлик қилган бу фидойи олимнинг қилгани, ҳаёти ва илмий меросини афсуски, халқимиз, айниқса, ҳозирги ёш авлод айтарли билмайди. Бунинг сабаби шуки, Пўлат Солиев ўтган асрнинг 30-йилларида, аниқроғи, 1937 йилда «миллатчи» сифатида КТБ томонидан қамоққа олинган, 1938 йилда отиб ўлдирилган. Илмий мероси сиёсий таъқибга учраган, бой културониси ва ундаги қimmat-баҳо архив ҳужжатлари олиб кетилган ва йўқотилган. Номини ва илмий-публицистик фаолиятини тилга олиш маъна этилган...



Пўлат Солиевнинг номи ва хизматлари, Ўзбекистонда мустақиллик кўеши қулгач, яна ёруғлик юзини кўрди. Илмий-ташқиқотчилик ва педагогик фаолияти ундаи қонган ноёб мерос олимларимиз томонидан ўрганила бошланди. Унга бағишланган энг сўнгги, диққатга сазовор ишлардан бири таниқли тарихчи олим В.А.Германовнинг «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган «Профессор Пўлат Солиев ва ето вақти» («Профессор Пўлат Солиев ва унинг даврини») номли қизиқарли эссе-рассолидир.

Анжуман

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтида Пўлат Солиев таваллудининг 120 йиллигига бағишланган республика илмий анжумани бўлди. Унда қатнашган олимлар ўз маърузаларида олим ҳаёти ва кўпқиррали фаолиятининг номалум саҳифаларига эътибор қаратдилар. Пўлат Солиевнинг мамлакатимиз тарихи фани олдига қатна ва унинг хизматлари, илмий меросида манжуз ва ҳамон ўз долзарблигини йўқотмай келаётган илмий қарашлар, халқимиз тарихий меросини йиғиш ва фанимиз, маънавиятимиз ривожини учун уларни сақлаб қолиш йўлида қўйган жасоратли қадамлари

тўғрисида атрофлича фикр юритилди. Илмий-анжуманда Пўлат Солиевнинг фарзандлари, неваралари, оиласининг дўстлари ҳам иштирок этиб, қизиқарли ва ҳаяжонли хотираларни сўзлаб бердилар. Пўлат Солиев таваллудининг 120 йиллигига бағишланган тадбирлар энди Самарқанд шаҳрида давом этади. Маълумки, устоз олим умрининг сўнгги сермазун йилларини шу азиям шаҳарда ўтказган. Самарқанд давлат университетининг ташиқлотчиларидан бири бўлган. Шу университетнинг «Ўзбекистон тарихи» илмий кафедрасини ташиқлотчи этиб, уни бошқарган. Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси Атамашунослик қўмитасининг тавсияси билан Самарқанд шаҳридаги кўчалардан бири, СамДУ илмий маркази ва «Ўзбекистон тарихи» илмий кафедраси бундан кейин Пўлат Солиев номи билан аталган бўлди. Олимнинг ҳаёти ва илмий меросига бағишланган наватдаги илмий анжуман ҳам Самарқанд шаҳрида шу йилнинг 28 июль кунини ўтказилади. М. САФАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

САВОЛ БИЗДАН... Футбол бўйича жаҳон чемпионлари тарихида энг тез голни ким ва қачон киритган? Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби: Келтирилган сўзлар Адҳам Дамининг «Ҳаёт ва ўлим» романининг илк сатрларидир. 136-35-60

ВРЕМЯ ПОДПИСАТЬСЯ! на журнал «ПрессТИЖ» Вы подписались на журнал «ПрессТИЖ» только на первое полугодие?! Тогда сейчас самое время подумать о продлении своей подписки до конца 2002 года!

«ПАРВИНА» КОМПАНИЯСИ ПЕНОПОЛИУРЕТАНДАН ХОРИЖИЙ ЖИХОЗЛАРДА ТАЙЁРЛАНГАН ИССИҚЛИК ХИМОЯ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ ВА ҚЎЙИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ: музлаттич камералари учун иссиқлик химоя материаллари; музлаттич камералари бўлган махсус машиналар учун иссиқлик химоя материаллари. Буюртмачи талабига кўра, қуйидагиларни баҳаради: изотермик ишлар; қурилиш «Сендвич»лари ишлаб чиқариш; томларни иссиқдан химоя қилиш; биноларни шовқиндан химоя қилиш; иншоотлар термоизоляцияси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ 2002 йилга «ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРМОҚЛАРДА БОШҚАРУВ (ТЕХНИКА ФАНЛАРИ)» мутахассислиги бўйича кундузги аспирантурага қабул эълон қилади. Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 700047, Тошкент шаҳри, Тўйлепа кўчаси, 2-а-ўй. Телефон: 132-00-17.

2002 йил 26 июль ЭЪЛОН! соат 10.00 да № 924 Денов — Ғузор, № 927 Тошкент — Қорақўл, № 929 Тошкент — Қосон, № 889 Челақ — Нарвон к., № 942 Фаргона — Хонобод, № 978 Зомин — Пахтаобод, № 919 Бахт — Тошкент, № 972 Гулистон — Дўстлик, Сирдарё томонидан № 1018 Зафаробод — Самарқанд, № 1019 Самарқанд — Арнасой, № 1028 Пахтакор — Чуи, № 1030 Қизилтепа — Ғиждувон, № 1036 Тошкент — Қизилтепа, № 831 Денов — Урганч, № 971 Сирдарё — Жиззах,

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТҚАЗИЛАДИ Очiq тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида туруви ва автомобиль транспортда шаҳарлараро йўловчи ташиниш амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин. Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларини жойлаштириш учун очiq тендерлар ўтказишни ташкил этиши масалалари бўйича идоралараро комиссия. Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, «Анҳор бўйи» кўчаси, 4-ўй. Очiq тендерда иштирок этишни хоҳловчилар идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун 2002 йил 21 июль соат 17.00 гача бююртма беришлари лозим. Идоралараро комиссия тендер тақлифларини 2002 йил 25 июль соат 17.00 гача қабул қилади.

ТЕНДЕР ЎТҚАЗИШ МАНИЛИ: Тошкент шаҳри, «Анҳор бўйи» кўчаси, 4-ўй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги мажлислар сағли. Маълумот учун телефон: 41-56-27.

Тўлов шакли - турлича Манзилимиз: Самарқанд ш., «Ўзбекистон» к., 82-б-ўй. Тел.: (3662) 31-24-34, 33-48-03, факс: 33-49-02.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мулофа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ушбу қўмита аъзоси, «Қизилқумнарметаллолтин» давлат коншерни раиси Николай Иванович Кучерскийга оидан Мария КУЧЕРСКАЯнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Республика Марказий банки жамоеси Марказий банкнинг собиқ ходими Рашид ПАТТАХОВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади. Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоеси «Олий математика» кафедраси доценти Боғибек Отажоновга турмуш урғони Норжон ОТАЖОНОВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур ҳамдаралик билдиради. Хусусий очiq акциядорлик тижорат банки — «Бизнесбанк» жамоеси банк кенгаши раиси муовини Рашид ПАТТАХОВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақиналарига чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масул котиб — «Народное слово»), С. ЗИНИН, С. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. МИРАЛИДОНОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ғ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92 Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65 Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибиат — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 576, 36491 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида термилар ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — И. УТБОСАРОВ. Навбатчи — М. НОРМАТОВ. Муваҳхих — М. СУЛАЙМОНОВА.

Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.40. 1 2 3 4 5 6